

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БАХТИЁР ОИЛА – БАХТЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан "Ўзбекистонда замонавий намунали оила ривожланишининг долзарб масалалари" мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг бахтли-саодатли ва фаровон яшаши учун олиб борилган ислохотлар ҳақида

фикрлар билдирилди. Хусусан, конференцияда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ёшларга оила ҳа-

қида чуқурроқ билим ва кўникмалар бериш кераклиги тўғрисидаги топшириқларига кўра, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент вилояти бошқармаси томонидан "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион

мактаби" фаолияти йўлга қўйилгани ва унинг биринчи битирувчиларининг ижобий натижалари, шунингдек, эришилган ютуқлар ҳақидаги маъруза ҳам тинланди.

2

Бешта ташаббус: ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ҲАМ АКС-САДО БЕРМОҚДА

Президентимиз белгилаб берган бешта муҳим ташаббуснинг амалий ифодаси вилоятимизнинг чекка ҳудудларидан бири – Бекобод шаҳридаги 6-умумтаълим мактабида ҳам эзгу саноат ҳаракатларга сабаб бўлаётгани кишини қувонтиради.



2

АБИТУРИЕНТ ЎҚИШНИ ИСТАЙДИ, АММО...

Бу йилги имтиҳонлар қандай кечади? Биламизки, бу йил абитуриентлар учта олийгоҳга ҳужжат топшириш имконига эга. Шу боис, кўпчиликда олийгоҳларда имтиҳон кунлари бир кунга тўғри келиб қолмасмикан, деган савол пайдо бўлмоқда.

Бу борада мутахассислар бир кунда бир марта имтиҳон бўлишини айтмоқда. Яъни, абитуриент бир марта тестга қиради, 90 (60) та саволга жавоб беради. Бўлди, шунинг ўзи етади. Мана шу жараёнда, бир мартанинг ўзида у учта йўналишга тестга киргандай бўлади. Бошқа куни яна тестга киришига ҳолат қолмаслигини маълум қилмоқда.

Бунда квоталарнинг қандай бўлишига қизиққанларга айтиш мумкин, "қайтиб келишлар", яъни "чакашликлар" бўлмаслиги учун ҳам якуний натижалар барча тест топшириб бўлгандан кейин эълон қилинади. Бунда абитуриент эртаси куни ўзининг тестдан олган балини билади, ҳолос, аммо ҳамма тест топшириб бўлмагунча, кирган ёки кирмаганини била олмайди. Ҳеч кимга аввал "Сиз кирдингиз", дея эълон қилиб, кейин "Уэр, фалончи баландроқ балл билан қайтиб келди, сиз киролмадингиз", – дейишмайди.

Бу борадаги янгиликлар-

2

Ҳокимларга янги ўринбосар лавозимлари жорий қилинади

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қўшимча равишда 70 та бошқарув ходимлари штат бирлиги ажратилмоқда, дея хабар бермоқда ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Бу ҳақда "Хукуқий ахборот" канали маълум қилмоқда.

Қарорда таъкидланишича, фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга қаратилган инвестиция лойиҳалари ("йўл хариталари")ни ишлаб чиқиш бўйича идораларaro комиссиясининг ишчи органи функциялари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги зиммасига юклатилди.

Вазирликка қўшимча равишда 70 та бошқарув ходимлари штат бирлиги, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаларига 5 тадан штат бирликлари ажратилди.

Қарорга мувофиқ, қуйидаги лавозимлар жорий этилди:

- **ҳоким ўринбосари** – вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи;
- **ҳоким ўринбосари** – туман (шаҳар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи.

Қарор билан айрим вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларидagi бир қатор лавозимлар, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларидagi ҳокимнинг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими тугатилди.

Вилоятларда, туманларда (шаҳарларда) кичик саноат зоналарини ҳамда Тошкент шаҳрида саноатни ривожлантириш борасидаги вазифалар ҳокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли биринчи ўринбосари зиммасига юкланди.

Шунингдек, қарор билан Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Марказ директори ҳукумат томонидан тайинланади ҳамда у моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

□ Сўнгги кўнғирок

Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам жорий ўқув йили якунланганидан дарак берувчи сўнгги кўнғирок янгради.

Вилоят халқ таълими бошқармаси берган маълумотларга кўра, жорий йилда 869 та умумтаълим мактабларининг 11-синфини 16 минг 500 нафар ўқувчи тамомлади.

СИЗГА ИШОНАМИЗ, БИТИРУВЧИЛАР!

Халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар 11 йиллик таълим тизимида қайтилганини хайрихоҳлик билан кутиб олишди. Дарҳақиқат, таълимнинг бу тизими ўғил-қиз-

ларимизнинг билимлари янада мустаҳкам бўлишига, шунингдек, касб-хунар танлашда ҳам пухта ўйлаб, қарор чиқаришларида ўз натижасини беради.

Давоми 4-бетда →



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

УЛОВЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Нурафшон шаҳрида вилоятнинг 14 та туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарларига хизмат машиналарини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлашда солиқ идораларининг хизмати катта эканини таъкидлади.

□ Эътибор

Шунингдек, "Жойлардаги солиқ идоралари бошлиқлари муҳтарам Президентимиз томонидан берилган "тўртинчи сектор раҳбари" мақомида нафақат солиқ сиёсатини юритиш, балки, тегишли ҳудуд аҳолиси билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни

аниқлаш ва бартараф этиш каби масъулиятли вазифаларга камарбаста бўлиб келмоқда", деди пировардида ҳоким. Шундан сўнг, соҳада самарали фаолият юритиб келаётган Оққўрғон, Бўка, Зангиота, Қибрай, Паркент, Тошкент, Янгийўл, Бекобод туманлари, шу-

нингдек, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Чирчик, Янгийўл, Нурафшон шаҳарлари давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари "Nexia-3" ва "Jentra" русумли хизмат автомобиллари калитларини қабул қилиб олишди.

– Туманимиз ҳудуди кенг бўлиб, чекка жойларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, маҳаллаларга бориш, улар билан учрашиб, солиқ тушумларини амалга ошириш, солиққа оид қонунчиликда белгиланган нормалар мазмунини етказишга қийналаётган эдик, – дейди Қибрай тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Акмал Тиллаев. – Хизмат автомобилларининг берилиши ишимизни енгиллаш-



тириб, самарасини оширади. Давлатимиз томонидан тизимнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилаётган бундай эътибор зиммамиздаги вазифаларни сидқидил-

дан адо этишга ундайди. Тадбирнинг бадиий қисмида янграган кўшиқлар барчага хушайфият улашди.

Вилоят солиқ бошқармаси матбуот хизмати

СИНФ ФОНДИ, МАКТАБ РЕМОНТИГА ПУЛ ЙИҒИШ ТАҚИҚЛАНАДИ,



2-3-бетлар

ЛЕКИН...

ЮРИДИК КОЛЛЕЖЛАРДА ЎҚИШ ИККИ ЙИЛ Уни битирган ўқувчиларга имтиёзлар бор

Бундан уч-тўрт йил аввал мамлакатимизда 7 та юридик коллеж мавжуд бўлиб, улар саноқли вилоятларда фаолият юритарди. Хусусан, вилоятимиз ёшлари ҳам шу йўналишдаги коллежда ўқиш учун пойтахтга қатнашарди. Ҳозирда бундай коллежлар сони 14 тага етиб, республикамизнинг барча ҳудудларида очилди.

□ Брифинг

Жорий йилда мазкур коллежларга жами 3 минг 340 нафар ўқувчи қабул қилинади. Бу ҳақда миллий матбуот марказида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида талаб қўри бўлган тор доирадаги ва ихтисосли мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш масалалари" мавзусидаги брифингга сўз борди.

Жорий йилдан бошлаб, юридик коллежларга 11-синфни тугатган ўрта махсус, касб-хунар ва академик лицей маълумотиغا эга абитуриентлар тўлов-шартнома асосида қабул қилиниб, икки йил давомида давлат хизматлари, кадрлар ва шартномавий масалалар, адвокатура, нотариал ҳамда ижро иши ва аграр сектор юристи йўналишларида таҳсил олишади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва кўзи ожиз ўқувчилар давлат грантлари асосида ўқиши мумкин.

Шунингдек, юридик коллеж-ни тамомлаган иқтидорли ва билимли ёшлар Тошкент давлат юридик университетига тест синовларисиз, суҳбат орқали ўқишга қабул қилинади. Бунинг учун битирувчилар университетга худудий адлия органлари йўлланмаси билан ҳужжат топшириши керак. Йўлланмалар коллеж битирувчилари сонининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт. Яқка тартибдаги суҳбатда абитуриентларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниши, ихтисослики танлашда мотивацияси, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолияти, интизомлилик, ижодкорлик қобилиятлари ва чет тилини билиш даражаси синовдан ўтказилади. Университетга тест синовларисиз қабул қилинган ёшлар 3 йил узлуксиз ишлаши керак бўлади.

Тадбир сўнгиди журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

Хар йили мактабларда "Соғломлаштириш майдонча"лари ташкил этилади. Улардан болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бепул фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги 65 та мактабда бе-

ПУЛ ЙИҒИШ ТАҚИҚЛАНАДИ, ЛЕКИН...

пул тўғараклар ҳам ташкил этилмоқда. Ота-оналар фарзандини ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд яқинидаги мактабда ташкил этилган бепул тўғаракка жалб қилиши мумкин. Тез орада вазирлик сайтида ана шу 65 мактаб рўйхати эълон қилинади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Эркин Муродов. — Бугунги кунда 812 та мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғараклари, спорт секциялари, мусиқа ва санъат машғулотларига жами 576 минг 235 ўқувчи жалб қилинган. Жумладан, 215 та "Баркамол авлод" болалар марказига, 314 та Болалар мусиқа ва санъат мактабига, 230 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ҳамда 53 та спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ўқувчилар қамраб олинган.

Инсон орзу қилишдан тўхтамаслиги керак. Бу умрга мазмун беради. Орзу-умид рўйи йўлида тинимсиз изланиш иродани мустаҳкамлайди.

Тимур Носиров тадбиркор бўлишни болалигидан орзу қиларди. Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси бўлса ҳам фикри ўзгармади. Доим шахсий корхона очиб, одамларни иш билан таъминлашни ўйларди. Етти йил деган давомида ушалган орзуси ортида не-не қийинчиликлар ётибди, дейсиз.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Йик Ота" маҳалласида бўш ётган бинонинг ҳеч "бахти очилмасди". Аввал ётоқхона, кейин эса ошхона ҳолида ҳам ҳеч таъинли фаолият кўрсатмади. "Бинони ишлатаман", деб келганлар узокқа бормай, бошлаган ишини ташлаб кетаверди.

Т. Носировнинг бинодан самарали фойдаланиш бўйича режаси бор эди. Дастлаб, ўз маблагини ҳисобидан бинони икки

БАРАКА — ҲАРАКАТДА

қаватли қилиб, қайта қуришди. Иш айна қизиганида, яна 300 миллион сўм миқдоридаги маблаг етишмай қолди. Тадбиркор ҳеч иккиланмай банкдан кредит олди. "Ҳаракатда — барака", деб бежиз айтишмаганда. Буни



қарангки, уч йилга олинган кредит бир ярим йилда тўлиқ қайтарилди. Банкнинг ишончини қозонган тадбиркорга савдо айланмаси учун яна 300 миллион сўм кредит берилди.

Бугунги кунда Т. Носиров "Timberland-Timur" номи хусусий корхонанинг раҳбари. Бу ерда 20 киши иш билан таъминланган.

— Кўзлаган мақсади йўлида кам вақт сарфлаб, катта натижага эришган кишини ҳақиқий тадбиркор, деб биламан, — дейди Т. Носиров. — Яна йўқ жойдан йўндиришни ҳам билиш керак. Шу мажмуани тайёр ҳолга келтиргунча анча қийинчиликлар бўлди. Яхши одамларнинг ёрдами билан шундай натижага эришдим. Айтганча, ҳокимимиз Ўскенбай Атемов ҳудудларга чиққанида йўли шу жойдан ўтиб қолса, албатта, тўхтаб, қурилиш ишлари билан танишиб, қандай ёрдам кераклигини сўради. Бу ўша вақтда менга жуда катта далда бўлган. Нима орттирган бўлсам

барчасини сарфлаб, имкон қадар мажмуани тезроқ ишга туширишни ўйлаганман. Очиги, у киши билан суҳбатларимизда руҳаниб кетаман. Гўёки ўзимни ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга қодирдек ҳис қиламан. Келгуси режаларим катта. Туманимиз аҳолисига ўз ҳисобимдан мактаб, шифохона, масжид қуриб беришни ният қилганман.

Янги мажмуанинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқатан ҳам аҳолининг оғирини енгил, узогини яқин қилди. Айни пайтда бинонинг биринчи қаватида спорт тўғариги, дорихона, мини-маркет, машина ювиш шаҳобчаси ҳамда салқин ичимликлар, тез тайёр бўладиган фаст-фуд маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Иккинчи қаватда ўқув маркази, кафе, фитнес клуб фаолият кўрсатади.

Зулфизор МАМАДАЛИЕВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун Президент томонидан имзоланди.

РУХСАТСИЗ «ТОНИРОВКА»ГА ЖАРИМА ОШИРИЛДИ

Унга кўра, туси ўзгартирилган (тонировка) ойнали транспорт воситаларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун жарима миқдори 25 бараварга оширилди. Бунгача ЭКИХнинг бир баравари миқдорида жарима солинар эди.

Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлар экан.

"ЯМА" АНИҚЛАНДИ

Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлими томонидан ДХХ шаҳар бўлими ва Тошкент вилояти бошқона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда, Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро А.Х. ўз хонадонидида хорижда ишлаб чиқарилган дори воситаларини ноқонуний равишда муомалага қиритишга мўлжалланган "яма" ташкил этганлиги аниқланган.

Хусусан, ушбу "яма"да Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний олиб қилинган тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 320 млн. сўмлик дори воситалари ҳамда 84 кг. "латун" (рангли металл) парчалари сақланаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан А.Х.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

@haqiqatonline

□ Танлов

Бир неча кундан бери вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказилаётган "Қонун ва ёшлар" кўрик-танловининг вилоят босқичи Олмалиқ шаҳрида бўлди.

«АДОЛАТ» ГОЛИБ БЎЛДИ

Ўқувчиларнинг шижоати, жўшқин кайфияти танловда ўзгача шуқуқ бахш этди. Танловда минтақавий босқичда голибликни қўлга киритган Бекобод туманининг "Адолат", Паркент туманининг "Ҳақиқат", Тошкент туманининг "Фемида" ҳамда Олмалиқ шаҳри жамоалари белгиланган шартлар бўйича беллашибди.

Ҳаят қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган танловда Паркент тумани жамоаси 3-ўринни, Олмалиқ шаҳри жамоаси 2-ўринни эгаллади. Бекобод туманининг "Адолат" жамоаси эса фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

@haqiqatonline

МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра, судлар томонидан халқнинг ишончини қозониш, одамларни қўйнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида сайёр учрашувлар ўтказилаётгани ҳақида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда яхши самара бермоқда.

□ Сайёр учрашув

Зангиота туманида ҳам вилоятимиз суди раислари аҳоли билан очик мулоқот ўтказишди. "Токзор" маҳалласи ҳудудидида жойлашган Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 3-сонли академик лицейда ўтган учрашувда жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича вилоят ва туман судлари раислари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Унда вилоят суди раислари томонидан жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласида атрофлича маълумот берилди.

Статистика маълумотларига кўра, "Токзор" маҳалласида жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Жами 86 та маҳалланинг 18 таси ёки 20,9 фоизда эса сўнгги йилларда умуман жиноят содир этилмаган. Бироқ, 24 та ёки 27,9 фоиз маҳаллада жиноятчилик ошган. Ўтган тўрт ой давомида жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди томонидан 138 та иш кўриб, тугатилган. Мазкур

ишлар 24 нафар аёл, 82 нафар ёшга нисбатан қўрилган бўлсада, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ёшлар иттифоқи туман бўлими умуман қафолат хатлари бермаган. Мулоқот давомида айна шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туман аҳолиси орасида профилактика ишлари етарли даражада олиб борилаётгани ва жиноятчиликни жилавлаласида жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Учрашувда туманда содир этилган жиноятлар сабаблари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни муросасизлик кайфиятини шакллантириш зарурлиги ҳақида ҳам сўз борди. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳуқуқий саводхонликини оширишда, энг аввало, нимага эътибор қаратиш зарурлиги ҳаётимисоллар воситасида тушунириб берилди.

Учрашувда оила ва никоҳ муносабатларига бағишланган фильм намойиш этилди ҳамда фуқаролар томонидан берилган қўллаб-қувватлашга жавоб қайтарилди.

Қобилжон АТАХАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят судининг бош
мутахассиси

□ Ичкиликбозлик — иллат

Сўнгги йилларда автомобиль транспортини маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчилар сони 3-4 баробарга қўпайгани ҳар қандай соғлом фикрли кишини ташвишга солиши аниқ.

«БЎЛДИ, ТАШЛАДИМ!»

Суд амалиётидан бир мисол келтирамиз. Паркент тумани маъмурий судида навбатдаги ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилди. Шокир Салимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) тез-тез улфатлар даврасига қўшилиб, ичкилик ичадиганлар тоифасидан чиқиб қолди. Ўйлайдики, "Иштаха очиб учун бирикки пиёла ичса ҳеч нарса қилмайди. Меъёрини билганнинг бирова зарари ҳам тегмайди..."

Шокир бу "ғоя"сини кун келиб, пуч бўлиб чиқишини кутмаганди. Жорий йил 16 март кунги эъфатда бор-йўғи юз грамм (ўзининг айтишича) отиб олганди. Шу ахволда "ГАЗ-53" автомашинасини бошқариб кетади. Катта йўл бўйида ЙПХБ ходимлари томонидан тўхтатилади. Ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқарганлигида гумон қилинади. Лекин, Шокир айёрликка ўтади. Ҳар хил

гаплар билан ўзини ичмаган кўрсатади. Аммо, экспертиза ҳулосаси аниқ берди.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар қилинишдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, ҳайдовчиликдан бошқа тирикчилиги йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради. Суд Ш. Салимовнинг қилмишини МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисми билан баҳолаб, 2 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Шунингдек, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир миллион ўн уч минг олти юз эллик сўм жарима ҳазосини тайинлади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарнинг бу қилмиши ортидан жиноят ҳам содир бўлиши мумкин эди. Ахир, айтишдики, кўза кунда эмас, кунидида синади, деб...

Азиз ХОНКЕДИЕВ,
Паркент тумани Маъмурий
суди раиси

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси Ангрэн шаҳар бўлимининг эски муҳри ва штампи 2019 йил 17 апрелдан бекор қилинганлиги сабабли, шу санадан бошлаб, мазкур муҳр билан тасдиқланган барча ҳужжатлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ЁЗГИ ОРОМҒОҲЛАРДА 34 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ БОЛА СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Ўқув йилининг якунланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун ўқувчилар оромгоҳларга шошади. Ҳўш, оромгоҳлар мавсумга шайми? Болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши керак?

□ Семинар

Шу каби саволларга Бўстонлиқ туманидаги "Нихол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган семинарда жавоб изланди. Унда вилоятдаги оромгоҳларга масъул бўлган ишчи гуруҳ вакиллари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг ходимлари, оромгоҳ раҳбарлари, педагоглар ва ошпазлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар, бугунги кунда оромгоҳлар ёшларнинг нафақат бўш вақтини мазмунли ўтказадиган маскан, балки уларни жисмонан, маънавий ва интеллектуал ривожлантириш марказига айланиши кераклигини алоҳида таъкидлашди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, жорий йилда вилоятдаги 19 та стационар оромгоҳларда 17 минг 236 нафар ва 149 та мактаб қошида ташкил этилган соғломлаштириш майдончаларида 17 минг 600 нафар болалар дам олдирилиши кўзда тутилган.

Семинарда ёз мавсумига барча турдаги болалар оромгоҳларини тайёрлаш, ўқувчиларни сифатли,

мазмунли ва қизиқарли дам олишларини ташкил этиш, оромгоҳларда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик чораларини кўриш, малакали педагогларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, мутахассислар томонидан оромгоҳларда ишларни тўғри ташкил этиш ва юритиладиган иш ҳужжатлари бўйича батафсил тушунча берилди.

Тадбир давомида кўргазма ташкил қилиниб, унда плакатлар, тарқатма материаллар, фаолият юритиши режалаштирилган тўғарак ва кутубхоналар фаолияти намойиш этилди. Семинарда қатнашган педагогларга ўқув қўлланмалар тарқатилди.

Ўз мухбиримиз
Даврон АҲМАД олган суратлар



ҳолатга келиб қолгани сабабли улар етишмовчилиги юзага келиши мумкин, — деди Эркин Муродов. — Жорий йилнинг март ойида давлат бюджетидан қўшимча пул олиб, ўқувчилар, малака ошириш институтлари ва мактаб кутубхонаси захираси учун етишмаётган дарсликлар

ни қайтадан нашр қилдик. Шу вақтгача мактаб кутубхоналарида ўқувчилар фойдаланиши учун қўшимча дарс-



ликлар бўлмаган. Эндиликда мактаблар кутубхоначилари сентябрь ойини кутмасдан, ўқувчилар сонини ҳисобга олиб, қанча дарслик кераклигини туман, вилоят халқ таълими бошқармаларига мурожаат қилади ва керакли китоблар ўз вақтида етказиб берилди.

Таъкидланишича, вазирлик сайтида дарсликлардаги хато ва камчилик-

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касблар рўйхати яна 26 тага қўяяди

Умумий ўрта таълим муассасалари 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги "Умумий ўрта

таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан йўлга қўйилган.

2018-2019 ўқув йилида жами 737 минг 642 нафар 10-11-синф ўқувчиларига касб-хунар ўргатиш учун 1 минг 748 та ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилиб, уларда ўқувчиларга 51 та касб ўргатилмоқда. Ўқув йили якунида дастурларда белгиланган билимларни ўзлаштирган ўқувчиларга касб малакаси дипломи берилди. Меҳнат бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб 2019-2020 ўқув йилидан бундай мажмуаларни ана 26 та янги касб ҳисобига кенгайтириш режалаштирилган.

Вазирлик мутахассиси дарсликлар нега камлигига изоҳ берди

— Мактабларда ҳар йилги ўқувчиларнинг рўйхати қайта шакллантирилмаслиги ёки дарсликлар яроқсиз

Нурафшон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби бугун байрамона безатилган. Мазкур ўқув маскани вилоятимиздаги энг намунали мактаблардан биридир. Мактаб ўқувчилари вилоят ва республика миқёсидаги фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари ҳамда турли ижодий кўрик-танловларда фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Хозирги кунда мактабда 1 минг 731 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Улардан 58 нафари 11-синфни тамомлаб, қадрдон мактаблари билан хайлашмоқдалар.

— Мана, кўз очиб юмгунча навбатдаги ўқув йили ҳам ортда қолди, — дейди мактаб директори Наталья Ли. — Мамлакатимизда йилдан-йилга таълим тизимини ислох қилиш, шу жумладан, мактаб таълимини ривожлантириш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Биз, устозлар ҳам ўқувчиларимизни катта ҳаётга қузатар эканмиз, уларга ўз маслаҳат ва тавсияларимизни берамиз.

— Очиги, жуда ҳаяжондаман, — дейди битирувчи Ота-

бек Қорабеков. — Одатда, доим тезроқ катта бўлишга ошиқардим. Бугун эса қайтадан ёш болага айланиб, яна 1-синфга боргим келаётгандек. Аммо, орзуларим томон интилишим керак. Яқин кунларда ҳужжатларимни Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети-

тига топшираман. Ниятим олий тоифали муҳандис бўлиш. Янги ўзгаришларга биноан, абитуриентларга кўп қулайликлар яратилибди. Энди бир вақтнинг ўзиде урта олийгоҳга ҳужжат топшириб, битта тест орқали имтиҳондан ўтиш мумкин экан. Бу билим ва омадимизни синаб

Факт ва рақамлар:

- Бугунги кунда вилоятимизда 869 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда.
- Уларда 478 минг 334 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади.
- 31 минг 549 нафар малакали педагог-ўқитувчи ўғил-қизларга сабоқ беришади.
- Жорий йилда 16 минг 500 нафар ўқувчи 11-синфни тамомлади.

давомида аъло баҳоларга ўқиган ва намунали хулқ билан тенгдошларига ўрнак бўлган ўқувчилар мақтов ёриқлари билан тақдирланадилар...

... Кўнғироқ чалинади. Битирувчиларнинг юз-кўзиде эртанги кунга қатъий ишонч балқиб турибди. Аниқ мақсадлар билан катта ҳаётга қадам қўётган бу ёшларнинг келажаги порлоқ бўлиши, жамиятда ўз ўрниларини топиб, элу юртга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишишларига ишонамиз.

Зеро, эртанинг эгалари зиммасига ажодларга муносиб авлод бўлишдек катта масъулият юкланган. Бу масъулият уларнинг қалбиде гўё оғоҳлик кўнғироғидек доим жангларга турсин.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

СИЗГА ИШОНАМИЗ, БИТИРУВЧИЛАР!



кўриш учун жуда яхши имконият.

Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактабиде жами 2 минг 769 нафар ўқувчига 128 нафар малакали педагоглар таълим-тарбия беришади. Жорий йилда мазкур таълим даргоҳининг 11-синфни 63 нафар ўқувчи тамомлади. ... Ҳамма ҳаяжонда. Мактаб директори Шохиста Ниёзова катта ҳаёт бўсағасиде турган битирувчиларни табриклаб, уларга оқ йўл тилайди.

Тадбирларда ўқув йили

Эхтиром

Ўзбекистон қаҳрамони, адабиётшунос олим, таржимон Озод Шарафиддинов ҳаёт бўлганида бу йил 90 баҳорни қаршилар эди. Шу муносабат билан юртимизнинг барча ҳудудларида, таълим муассасаларида маънавий-маърифий учрашувлар, адабий хотира кечалари ташкил этилмоқда.

ИЖОДКОР МАНГУ ЯШАЙДИ

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва театр жамоаси билан ҳамкорликда ўтказилган кечада Иброҳим Ғофуров, Сирожиiddин Саййид, Хуришд Дўстмуҳаммад ва Аҳмаджон Мелибоев каби заҳардаст ижодкорлар, адибнинг оила аъзолари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар Озод Шарафиддиновнинг ҳаёт йўли, адабиётга қўшган улкан ҳиссаси, яратган асарлари, босиб ўтган машаққатли манзиллари ҳамда унинг ҳаётий гаплари бугунги давримиз учун нечоғлиқ аҳамиятли экани ҳусусиде тўхталди.

— Ижодкор ҳеч қачон ўлмайди, — дейди Х. Дўстмуҳаммад. — У яратган бебаҳо асарлари, ёзган китоблари билан инсонларнинг қалбиде бир умр яшайди. Озод Шарафиддинов ҳам мана шундай инсонлардан. У нимагаки эришган бўлса, ўзининг қалбидеги "озод"лиги билан эришган. Тафаккури, шууридаги озодлик туфайли эришган.

Шунингдек, Қибрай тумани, "Геофизика" маҳалласи, Беруний кўчасидаги адиб умрининг сўнгги йиллари ўтган хонадонда олим сиймоси туширилган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, туман ҳокимлиги, таълим муассасалари, маҳаллалардан ташриф буюрган меҳмонлар адиб ҳақидаги хотираларни ёдга олишди.

Мафтунахон
СУННАТИЛЛАЕВА,
ЎЗЖОКУ 1-босқич
талабаси

Санъат

Шу сабабли, чанг чолғуси Бобилдан Хитойгача бўлган ҳудудда кенг тарқалган.

Дарвиш Али Чанги-Бухорий "Рисолаи мусиқий" асарида XVII асрда чанг 32 торли бўлганини айтиб, унга "Чолғулар келинчаги", дея таъриф беради.

Вақт ўтиши билан чанг чолғуси ҳам такомиллашиб борди ва ҳозирги кўринишга келди. А. Одилов, Ф. Содиқов, Ф. Харратов, Р. Негматов каби устозларимиз XX аср охири XXI аср бошлариде чанг чолғусининг энг моҳир

созандалари эдилар. Уларнинг издошлари ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон давлат консерваториясиде фаолият олиб боришмоқда.

Яқинда мазкур даргоҳда "Чанг тароналари" концерт дастури намойиш этилди. Концертда чангчилар ансамбли томонидан ўзбек бастакорларининг "Баҳор валси", "Роҳат", "Ҳожиниёз", "Фарғонача жонон" куйлари ҳамда жаҳон композиторларининг энг сара асарлари ижро этилди.



Шунингдек, чангчилар квартети ҳамда фортепьяно ва урма зарбли чолғулар жўрлигида ижро этилган асарлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Замира ҚАЮМОВА,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси талабаси

ЧОЛҒУЛАР КЕЛИНЧАГИ

Чанг созининг келиб чиқиши узок ўтмишга бориб тақалади. Ривоят қилинишича, қадим замонда Хорут ва Морут фаришталари чанг чолғусини Зухро юлдузидан ерга олиб тушиб, Бобил минораси қурувчиларига чалиб беришган.

Ёзувчи бисотидан

Адабиёт ўқитувчиси журнални стол устига қўйди-да, думалоқ кўзойнагини бурни учига қўндириб, синфга разм солди.

— Демак, гап бундай: 30-йиллар адабиётини ўрганишни кечиктирамиз. РайОНОдан топшириқ бўлди, бугун сиз бизга "Бахтли болалик" деган мавзуда эркин ишчи ёзиб берасиз.

— Ҳамма ёзганими?

— Бу нима деганлари бўлди? Зоирли бўтам, сизга алоҳида тақлиф лозимми, ё?

— Иншони эркин деясиз-ку?

— Номи шунақа, бўтам. Қани, қоғоз олиб, иш бошланглар. Вақт кетмасин.

— Самад ака, биз болаликдан ўтдик-ку, нимасини ёзамиз?

— Ҳали ўтиб бўлганингизча йўқ, Зоирли бўтам, энди ўтапсиз. Қилаётган ишингизга ўзингиз Тўғри БАҲО бера олган онингиздан бошлаб болагингиз билан видолашасиз. Ҳа, ҳа, айнан ВИДОЛАШАСИЗ. Болалик сизнинг хотиранингизга кўчади. Вақти келиб, бу хотира виждон азобиға солади. Вақти келиб, нималариндир кўмсагиз мажбур қилади. Хуллас, сизни ҳар қўйга солади. У билан видолашашга ошиқманг. Болалик — ҳаётнинг асал палласи, ундан кўпроқ баҳраманд бўлишга интилинг. Асалдан кейин турли аччиқликларига дуч келасиз.

— Самад ака, шуларни ёзсак-чи? "Бахтли болалик" эмас, "Алвидо, болалик" десак-чи?

— Бўтам, кўп ақли боласиз-ку, бироқ айрим вақтларда калтафаҳмлиқ қилиб қўясиз. Тушунинг, "Бахтли болалик" менга эмас, РайОНОга керак. Шу боис, мен билан тортишманг. Ишни бошланг.


Болаларни сизлаб, юмшоқ гапирувчи бу одам кўпинча ўзининг ўзи қийинлаштирарди. Болалар уни бўшанг деб билиб, баравар тортишишдан тап тортишмасди. Баъзан бутун дарс тортишув билан ўтарди. Китеб ўқишни жонидан ҳам ортиқ яхши кўрадиган Зоир кўпинча бахсни бошлаб қоларди.

Самад ака бугунги бахсга барҳам бериш учун дераза олдиға

чунки отамнинг пули кўп", дея олмайди. Аслида-ку, улар пулнинг кўплигини бахт деб билишарди. Лекин очик айта олишмайди. Бу бахтми ё бахтсизлик? Ҳарҳолда нима деб ёзаркин, у бойвачча? Бунақа гапларга Зоир уста, қотириб ташлайди. Умуман, бахтли бола у. Ота-онаси инженер, уйда ўзи синглиси. Газетага хабар ёзди. Нима истаса, шунга эри-

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЭРКИН ИНШО



борди-да, қўлини орқасига қилиб, ҳовлиға тикилиб олди. Синфда шивир-шивир, қоғозлар шитири бошланди.

Асрор дафтар орасидан икки варақ йиртиб олиб "Бахтли болалик" деб ёзди-да, ўйга толди.

"Зоир тўғри айтди. Иншо эркин бўлганидан кейин ҳамма ни мажбур қилишининг нима кераги бор? Ҳамма ўзини бахтли деб ҳисоблайдими? Ана, Туроб, акасининг жасадини Афғонистондан олиб келишди. Онаси бунга чидаммай жинни бўлиб қолди. Ҳозир жинниҳонада. Етти бола отасининг ўзига қолган. "Мен бахтлиман..." деб бошлайдими иншо-нинг. Манзура-чи? Отаси кетиб қолган. Онаси иккови туради. У нима деб ёзди? Отауллага ҳам қийин. "Мен бахтлиман,

шади. Эргаш-чи? Отаси аравакаш. Дарс бошланиши билан сомонбозорга югради. Шунинг ёзганими? Агар Дилфўзаларга ҳам шу мавзу берилса у нима ни ёзди? Икки оёғи қирқиб ташланган отасининг инжиқликларини, онасиз қолишининг нақадар бахтсизлик эканини баён қилади-ми? Ҳўш, ўзим-чи? Ўзим нима ни ёзай, кечаги воқеани нима ё отам билан тўйма-тўй юришимни? Отамнинг ўйинчи хотинга суйқалишини? Минг лаънат!"

Асрор ҳаёлиға келган фикрда титраб, ўзини тутолмай қолди. Қаламини стол устиға тақ этиб урди. Ўзига тикилган нигоҳларни туйиб, бошини эгди. Ич-ичидан нимадир қизиб, кўкрагини ёндирди. У синфда ўтира олмаслигини сезиб, шарт ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

МАЗЗА ҚИЛСАК БЎЛДИ-ДА



Бир ҳокимнинг туғилган кунига машхур ҳофизлардан бирини хизматга тақлиф этишибди. Тумандаги барча ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари тор доирада йиғилишган экан. Даврани қиздириш учун ҳофиз жонли ижрода астойдил берилиб қуйлаган сари, ҳар қўшиғидан кейин даврабоши бўлган ҳоким ўтирганларнинг бириға мурожаат қилиб:

— Фалончи, сен эртаға

хофизимизға фалон нарсасовға қил, — деб бирон бир қимматбаҳо нарсани номини айтар экан.

Анча совғалар ваъда қилинибди. Бунинг эшитган ҳофиз янада берилиб, авжига чиқиб, эрталабғача қуйлабди. Зифат туғаб, ҳамма тарқалаётган пайтда ҳофиз ҳокимға қараб:

— Ёшулли, ҳалиги айтганларингизни ўзингиз ундириб берарсиз энди, — дебди.

Ҳоким: — Э, ҳофиз, сиз айтдингиз, биз эшитиб, маза қилдик, биз айтдик, сиз ҳам эшитиб, маза қилдингиз, шу етарли эмасми?

Давлатназар РЎЗМЕТОВ

Туроб Юсуф деган болалар шоири бор. Шеърлари унча-мунча халқ шоирлариникидан бир калла баланд! Лекин, у киши ҳеч ўзини шоирман демайди.

Камтар ва камсукумликда даҳо! Кеча пойтахтга келибдилар.

— Шу... бир киши китеб чиқармоқчи эди, бир кўрасизми? — деди.

— Қани, беринг-чи, — дедим. Туроб ака қаааатта йўл халтасидан бир пакет олди.

Пакетнинг ичидан бир қора целлофан чикди. Целлофаннинг ичидан латтаға ўралган бир нарсас олди. У нарсас ҳам қоғозға ўралган экан. Шу қоғоз билан менга узатди. Қоғозни очсам, ичида кичкинагина флешка бор экан.

— Китеб ана шунинг ичида, — деди Туроб ака.

— Ака, бу ўлгури шууунча ўрамасан-

гиз бўлмайди-ми? — дедим энсаб қотиб. — Ука, биттаси айтди: бугинаға ҳам вирус тушаркан, шунга эҳтиётлаб ўраб юрибман!

СОДДАЛИК

Аканинг соддалигидан тўйиб-тўйиб қулдик.

Дарвоқе, соддалик ҳам инсонға берилган улугъ фазилатдир. Зеро, жаннат аҳлининг кўпчилигини ана шу соддадиллар ташкил этаркан.

Алишер НАЗАР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:

Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почталар: thaqiqat@uamail.uz /// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бопқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таърифи ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифалани.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаввиф

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Эрала НОРБЕКОВ

Буюртма V-3438. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 590 нускада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.